

Маҳалла

36 (690)

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси республика бошқаруви нашри

2009 йил 9 сентябрь, Чоршанба

ISSN 2010-7013

2009 йил — ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

МИЛЛИЙ, ЗАМОНАВИЙ ВА ЧИРОЙЛИ

ҚИШЛОҚЛАРИМИЗНИНГ ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмасини янада ривожлантириш, уй-жойлар ва ижтимоий соҳа объектларини намунавий лойиҳалар асосида барпо қилиш ҳамда қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартиришга бугунги кунда ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. **Натижада республикамизнинг чекка қишлоқ ва овуллариди ҳам аҳолининг фаровон турмуш кечириши учун барча қулайликларга эга тураржойлар барпо этиляпти.**



Айниқса, жорий йилда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг қабул қилиниши мамлакатимизда қишлоқ қурилиши кўламини ошириш билан бирга жаҳон стандартлари асосида кўркам иншоотлар бунёд этилган қишлоқ корхоналарининг кўпайишига омил бўлди.

Хусусан, куни кеча пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да ташкил этилган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартиблагий уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўрғазмасида юртимизда қурилиш соҳасида фаолият юритиб келаётган 100 дан ортиқ корхона ва ташкилотларнинг иш-

тирок этгани фикримиз далилидир. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, «Қишлоққурилишлойиҳа» бош лойиҳа-қидирув институти, «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик тижорат банки, «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил

этилган мазкур кўрғазмада намунавий лойиҳалар билан бирга маҳаллий қурилиш материалларидан фойдаланган ҳолда замонавий безак ва мебеллар билан жиҳозланган етти хил уйларнинг намуналари намойиш этилди.

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ > [2]

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

ТОШКЕНТДА маънавий-маърифий ва ижтимоий муҳитни янада соғломлаштиришга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, маънавият тарғиботчилари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар жорий йил 31 август куни «Шаҳидлар хотираси» хибонидида Юртбошимиз Ислам Каримов томонидан бугунги обод ва фаровон ҳаётимизнинг моҳияти ва аҳамиятини янада чуқурроқ англаш, тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, фарзандларимизни турли хавф-хатарлардан асраш борасида билдирилган фикр-мулоҳазалар ҳамда тавсиялар маънавият-маърифат тарғиботида муҳим дастуриямал эканини таъкидладилар.

Тинчлик ва осойишталик, эмин-эркин ҳаёт, тўқинлик ва фаровонлик истидол берган энг буюк неъматлардандир. Бироқ, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тинчлик учун курашиш керак, бу ёғу ҳаётни, фарзандларимизнинг келажагини, уларнинг беғубор кулгусини ҳар қандай хавф-хатарлардан асраш лозим. Глобаллашув жараёнида турли ёт гоа ва оқимлар, миллатлар ва динлар ўртасига раҳна соладиган гаразли мақсадлар кириб келаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу барчадан ҳар доим ҳушёр ва огоҳ бўлишни тақозо этади. Айниқса, ёвуз ниятлари йўлида муқаддас ислом

динимизни ниқоб қилиб олган гаразли кучлар соғлом фикрлайдиган ҳеч бир инсонни ташвишга солмаслиги мумкин эмас.

Йиғилишда ёшлар ўртасида маънавий-маърифий ишларни кучайтириш, бу жараёнга диний уламолар, маънавият тарғиботчилари, маҳалла фаоллари ҳамда етакчи ёшларни кенгроқ жалб этиш зарурлиги қайд этилди. Бунда бугунги тинч ҳаёт, мусаффо осмон, тўқинлик ва фаровонликка қандай оғир синовлар ва машаққатлар эвазига эришимизни англайдиган, ёшларнинг қалби ва онгига мустақиллик гоёсини янада чуқурроқ синдиришга хизмат қиладиган муборак зиёратгоҳлар, қадим-жонлар, маънавият ва маърифат ўчоқларининг ўрни беқийс. Бу эса ёшларни истиқлол туфайли қадр топган бой тарихимиз, қайта тикланган миллий қадриятларимиз, анъана ва урф-одатларимизга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Шу мақсадда Имом ал-Бухорий халқаро марказида диний маърифат тарғиботчиларининг малакасини, билим ва кўникмаларини мунтазам ошириб бориш йўлга қўйилгани эътиборга сазовордир.

Йиғилишда Дин ишлари бўйича қўмита, «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг ижтимоий-маънавий муҳитини янада соғломлаштириш, ёшларимизни ёт гоа ва таъсирлардан асрашга қаратилган ишларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан ўзаро ҳамкорликда олиб борадиган вазифалар режаси белгилаб олинди.

Ҳ.БЕРДИЕВ,
ЎЗА муҳбири.

«ФУТБОЛИМИЗ КЕЛАЖАГИ» ФИНАЛ БОСҚИЧДА

КЕЧА Тошкент Давлат аграр университетининг ўйингоҳида «Футболимиз келажаги» республика турнирининг финал мусобақалари бошланди.



Мамлакатимизда соғлом авлод тарбияси устувор вазифа этиб белгиланган. Айниқса, республикамизда болалар спортини ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. Ўтган йиллар мобайнида Ватанимизнинг шаҳару қишлоқларида, маҳалла гузарларида қад ростлаган замонавий спорт мажмуалари, стадионлар, теннис кортлари кўзни қувонтиради.

СПОРТ ВА ХАЛҚАРО ҲАЁТ > [7]

СОҒЛОМ АВЛОД ОРЗУСИ

МАМЛАКАТИМИЗ Президенти соғлом турмуш тарзи ўзбек халқининг миллий қадриятларидан бири эканлигини таъкидлаган ҳолда шундай деган эдилар: «Ҳеч шубҳа йўқ; соғлом авлод орзуси аجدодларимиздан қон-қонимизга сингиб кетган муқаддас интилишдир. Агар ота-боболаримизнинг турмуш тарзига, тафаккурига назар солсак, улар насл-насаб, етти пуштининг тозаллигига, авлод соғломлигига жуда катта эътибор беришга-

нини кўрамыз».

Шу муносабат билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйлаб Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009 — 2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғри-

си»ги Қарорнинг ижросини таъминлаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари қўмитаси, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси ҳамкорликда ўқув-семинарлар ташкил этмоқда.

ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ > [2]

ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА

КЕНГ ВА РАВОН ЙЎЛЛАР

ЮРТИМИЗ фаровонлигидан, аҳоли турмуш даражасининг юксалаётганлигидан нишонадир



ЎТГАН ЙИЛИ Тошкентда ўтказилган бир халқаро тадбирда хорижлик журналист билан танишиб қолдим. Пойтахтимизга биринчи бор келиши экан. Тошкент ҳақидаги таассуротларини оғиздан бол томиб сўзладим:

— Тошкент салкам икки ярим минг йиллик тарихга эга бўлса-да, кўчаларининг кенг ва раволигидан ҳайратга тушибман. Одатда, тарихий шаҳарларнинг кўчалари тор бўлади, — деди у. — Машиналар жуда кўпайибди. Лекин шаҳарнинг

ҳеч бир ерида транспорт тизимини учратмадим. Машина қатнови тигиз жойларга кўприклар қурилади. Бундай ажойиб шаҳарни ҳеч ерда кўрмаганман.

ТОШКЕНТ 2200 ЁШДА > [3]

ОБУНА — 2010

АЗИЗ МУШТАРИЙ!

Маҳалла — ватан ичра кичик ватан. Унинг обод ва кўркамлиги, гузаллиги юртимизнинг фаровонлиги ва тараққиётдан далолат.
«Маҳалла» газетаси шу «кичик ватан»нинг ҳаёти, қувонч-ташвишлари, муаммоларини ўз саҳифаларида акс эттиради. Тахририятимиз аъзолари «Маҳалла»ни аҳолиимизнинг барча қатламлари, каттаю кичик севиб ўқийдиган газетига айлантириш учун астойдил изланмоқдалар.
Янги 2010 йилда газетамиз саҳифаларида ўзингизни қизиқтирган барча мавзуларни топасиз. У сизнинг яқин дўстингиз ва самимий ҳамроҳингизга айланиб қолишига ишонамиз. Газетамиз йил давомида сизга ҳамфикр ва маслаҳатгўй бўлишини хоҳласангиз «Маҳалла»га обуна бўлинг!
Навр кўрсаткичи — 148.

ҚАРИЯЛАРИ ҚАДРЛАНГАН ЮРТ

«ШУҲРАТ» МЕДАЛЛИ МОМО

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 18 йиллик шодибаналари Шофиркон туманидаги «Фуломте» маҳалла фуқаролар йиғинида ўзгача шуқудда нишонланди. Хусусан, қишлоқнинг мўътабар онахони, 106 ёшли Ҳақиқ момо Буронованинг Президентимиз Фармонида мувофиқ «Шуҳрат» медали билан тақдирланганлиги ҳам кўпчиликни қувонтирди.

Оқсак мукофот билан қўтлаш мақсадида момонинг хонадонига фарзандлари, неварою чеваралари қаторида «Маҳалла» жамғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси Бехбуд Жумасев, «Нуроний» жамғармасининг вилоят бўлими раиси Юсуф Қурбоновлар ташриф буюришди.

— Ҳаётим давомида турли даврларнинг гувоҳи бўлдим, — дейди Ҳақиқ момо. — Айниқса, уруш йилларидаги қийинчиликлар, икки на-

фар укамнинг бедарак кетиши жуда оғир зарба бўлганди. Шуқрдим, Мустақиллик туфайли мана шундай тинч, фаровон кунларда яшаймиз.

Узоқ йиллар ҳўжаликда меҳнат қилиб, турмуш машаққатларини матонат билан енгган ая 8 фарзанд, 48 неваро, 61 чевара эъзозиди. Суяги меҳнатда қотган Ҳақиқ момо ҳали ҳам тетик. Ҳатто байрам арафасида янги қурилган тандирга биринчи нонни унинг ўзи ёпти.

— Халқимизда «Қариси бор уйнинг париси бор», деган мақол бор, — дейди «Маҳалла» жамғармасининг Шофиркон тумани бўлими раиси Ботир Олимов. — Шу бонс, тумандаги 100 ёшдан ошган олти нафар нуронийларимиз доимо эътиборимизда.

Акбар Рустамов,
«Маҳалла» муҳбири.

ХАБАРЛАР
РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА
ЙЎЛЛАНМА

АНДИЖОНДА "Энг фал маънавият тарғиботчиси" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда шаҳар ва туман босқичларида биринчи ўринни эгаллаган иштирокчилар нотижлик санъати, минбарда ўзини тутати билан, кўргазмани тарғибот воситаларидан унумли фойдаланиш бўйича ўз маҳоратларини намойиш этишди.

Кўрик-танлов натижаларига кўра, барча шартларни аъло даражада бажарган улғунорлик Халидхон Исмоилова голиб деб топилди, республика босқичига йўллана олди.

Узоқбой САКСОНБОВ,
"Mahalla" мухбири.

ЯНГИ ҲУҚУВ ЙИЛИ
ЯНГИ БИНОДА

ГУЛИСТОН Давлат университети қошида ташкил этилган академик лицей биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, замонавий ўқув дастгоҳлари билан жиҳозланди. Таъмирлаш ишлари учун 3 миллиардан зид маблағ сарфланган муассасада ўқувчиларнинг таълим-тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар яратилди.

— Янги 2009-2010 ўқув йилида минг нафарга яқин ўқувчи-ёшлар қабул қилинди. — дейди академик лицей директори Мамарайим Исроилов. — Бошқа вилоят ва туманлардан келган талабаларга қулайлик яратиш мақсадида уч юз ўринга мўлжалланган ётоқхонани ҳам янгилан таъмирлади.

Тошўлат ХАЙИТБОВ,
"Mahalla" мухбири.

ҲУНАРМАНДЛАР
КЎРГАЗМАСИ

МАРҒИҲОН шахри Охунбобоев туманидаги "Қумтепа" маҳалласида "Лоф-фағро-файз" деҳқон хўжалиги раҳбари М.Исмаилова ҳамда маҳалла фаоллари ташаббус билан ҳунармандлар кўргазмаси ташкил этилди. Унда муҳир ҳунарманд ҳамда чеварлар томонидан тикилган икки юзга яқин даст ва зар дўппилари, шунингдек, ҳунармандчилик асбоб-ускуналари намойиш этилди.

Кўргазма иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотиш билан бирга, ҳунармандчилик фаолияти билан шугулланиш йстагида бўлганлар сонининг кўпайишига хизмат қилляпти.

Мухаммаджон МАҲМУДОВ,
меҳнат фахрийси.


ДАВРАДА ЁШ
ПОЛВОНЛАР

"МАҲАЛЛАМИЗ ПАХЛАВОНЛАРИ" республика турнир мусобақаларининг Жиззах вилояти босқичи якунланди.

Мусобақада шаҳар ва туман босқичларида голибликни қўлга киритган ўсмирлар Узоро беллашдилар. Мурасиз кечган турнирда Пахтакор туманидаги "Дустлик" маҳалласи вакиллари Ҳ.Норбоев ҳамда М.Маматова голиб деб топилди, республика босқичида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Абдували ҚАРШИЕВ,
"Mahalla" мухбири.

МИЛЛИЙ, ЗАМОНАВИЙ
ВА ЧИРОЙЛИ



< [1]

Таъкидлаш керакки, кейинги йилларда мамлакатимизнинг чекка қишлоқларида миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий архитектура талабларини ўзида мужассам этган кўркем уй-жойлар, таълим-тарбия ўчоқлари, соғлиқни сақлаш, спорт иншоотлари, бозорлар, автомобиль йўллари, майдонлар, бог ва хиёбонлар бунёд этилмоқда. Буларнинг барчаси инсонларнинг бахтли ва фаровон турмуш қуриши учун хизмат қилмоқда. Зеро, Юртбошимиз ҳам амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари ҳақида гапирар экан,

"Қишлоқ ва шаҳарларимизни обод қилиш — бу шунчаки ҳавас ёки эрмак эмас, балки шу орқали одамларнинг турмуш шартинини, энг муҳими, маънавий дунёсини ўзгартириш демакдир" — дедди.

Дарҳақиқат, бутун қад ростилаётган тураржойлар нафақат қишлоқлар чиройига қўшади, балки барча қулайликларга эгаллиги билан аҳоли ҳаётининг янада фаровонлашувига хизмат қилади. Кўргазмадан қўзланган асосий мақсад ҳам янги ташкил этилган "Қишлоққурилиш-лойиҳа" институти томонидан ишлаб чиқилган уй-жойлар, ижтимоий-маданий ва маиший объектларнинг намунавий лойиҳалари билан қишлоқ аҳолисини таништириш, уй-жой қурилишига янги технологиялар ва материалларни таъбиқ қилишдан иборатдир.

Муҳими, энди фуқароларимиз ўн йиллар иморат қуришмайди. Чунки Юртбошимизнинг 2009 йил 3 августдаги "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламни кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида "тайёр ҳолда топшириш" шартини билан тураржой биносини қуришда бюрт-

мачи вазифасини бажариши учун "Қишлоққурилиш-инвест" инжиниринг компанияси билан шартнома тузади. Натижада иморатни қуриш учун фуқаро эмас, балки компания елиб-югуради, ҳам архитектура талабларига мос, ҳам фуқаролар орзу қилгандек тураржойни қуриб битказади.

Кўргазмада иштирокчилар намунавий лойиҳалар асосида уй-жой қуриш ва қишлоқларни ободонлаштиришга доир лойиҳаларни кредитлаш, молиялашнинг оптимал механизмни жорий этиш билан шугулланувчи "Қишлоққурилишбанк" очик акциядорлик тижорат банки фаолияти, уй-жой қурилишида бюртмачи вазифасини бажарувчи "Қишлоққурилиш-инвест" инжиниринг компанияси томонидан аҳолига кўрсатиладиган хизмат турлари билан ҳам танишадилар.

— Аҳоли тураржой массивларини ва уй-жойларнинг намунавий лойиҳаларини чизилиш ҳудудининг табиий-иқлим шартини, тупроқ қатлам, демография ҳолати билан бирга аҳолининг асрлар давомида қандай меъморий услубдаги иншоотларда истиқомат қилиб келгани ҳам инобатга олинди, — дейди АНДТХНАЗ лойиҳа раҳбари Қўчқорбек Норматов. — Ҳозир Андижон вилояти Андижон тумани А.Чулпон номидаги массивнинг намунавий лойиҳасини тақлиф этилди. Лойиҳага кўра уйларнинг асосий қисми 2 қаватли 6 хонали бўлиб, 6 соғих ерга мўлжалланган. Маълумки, Андижон вилояти аҳоли тигиз яшайдиган ҳудудлар сирасига кириди. Шу сабабли лойиҳада 2 қаватли иморатлар қуриш тақлифини илгари сурдик. Бундан ташқари, фуқароларнинг чорва моллари ва парранда боқилиш инобатга олинган. Бу, албатта, аҳолининг оилавий шартинга қўшимча даромад олишлари учун яхши имконият яратди. Массивнинг умумий майдони 6 гектар бўлиб, шундан 3,4 гектари иморатлар қуришга, 1,5 гектари кўкамзорлаштириш ишларига ва 1,1 гектари

йўл ва йўлакларга ажратилган.

Кўргазмада яқка тартибда уй-жой қуриш учун Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти учун алоҳида, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятлари ҳудуди учун алоҳида, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари учун алоҳида, Қашқадарё, Сурхондарё ҳамда Фарғона, Андижон, Наманган ҳудудлари учун алоҳида, тоғ ва тоғолди жойлар учун ўзига хос, жами 31 та намунавий лойиҳа тақлиф этилмоқда. Эътиборлиси, лойиҳаларда аҳолининг спорт билан шугулланиши, малакали тиббий хизматдан фойдаланиши, тадбиркорлик фаолияти билан шугулланиши учун ҳам барча қулайликлар яратилган. Айниқса, Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани, Андижон вилоятининг Булоқбоши тумани, Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманлари учун ишланган намунавий лойиҳалар энг янги қурилиш-технологик ечимлар, замонавий қурилиш материаллари ва буюмларидан фойдаланилгани билан ажралиб туради.

«Узэкспомарказ»нинг иккинчи павилионида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган замонавий қурилиш материаллари, уй-рўзгор ва энгил санаят маҳсулотлари, мебеллар, маиший техника, қишлоқ хўжалиги ускуналари намойиш этилди. Жумладан, «Оникс», «Сино», «Мобель», «Куриллизинг», «Сувмаш», «Совпластитал», «Фотон» очик акциядорлик жамиятлари, «Ройсон электроникс», «Хайтинг систем», «Чирчиқ Шанхай Пласт» масуляти чекланган жамиятлари, «Дойче кабель», «Эст колор» қўшма корхоналари каби кўпшаб ишлаб чиқаруш субъектларининг маҳсулотлари иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Кўргазма шу йилнинг 7-13 сентябрь кунлари бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган вакиллар иштирокида қишлоқ жойларда ижтимоий-демографик, табиий-иқлим шартининг ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган намунавий лойиҳалар намойиш этилди.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
"Mahalla" мухбири.

ҚАРОР ВА ИЖРО
СОҒЛОМ АВЛОД
ОРЗУСИ

< [1]

Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бўлиб ўтган ушбу тадбирнинг наватбагагиси Сурхондарё вилоятида ўтказилди.

Қарор ижроси юзасидан вилоятда қатор ишлар амалга оширилганининг гувоҳи бўлдик. Жумладан, аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни камол топтириш юзасидан амалга оширилган ишларни қучайтириш ва самарадорлигини ошириш, Давлат дастури лойиҳасини шакллантириш мақсадида ишчи гуруҳи ташкил этилиб, улар ҳудудларга бириктирилган.

Соғлом оилани шакллантириш ҳамда соғлом авлодни вояга етказиш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ўтказиш, туғиш ёшидаги аёллар, ўсмирлар ва болаларнинг саломатлигини тиклаш учун Республика перинтал маркази, Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти, табиёт академияси мутахассислари вилоят даволаш-профилактика муассасалари ходимлари ҳамкорлигида ҳудудларда, график асосида амалий ишлар олиб бормоқдалар.

Сурхондарёнинг тоғли ҳудудидagi Узун, Сариосиё, Бойсун, Олтинсой, Бандихон ва Денов туманларида мутахассислардан иборат кўча врачлик маслаҳат бригадалари ташкил этилиб, аҳоли тиббий кўрикдан ўтказилди. Ҳозир ушбу ҳудудда соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида вилоятдаги 537229 нафар туғиш ёшидаги аёлларнинг 438015 нафари (82,2%) тиббий кўрикдан ўтказилди, аниқланган турли хил экстрагенитал касалликлар амбулатор ва стационар шароитда даволанди. Амалга оширилган бу каби



ишлар туфайли оналар ва болалар ўлими кескин камайтган.

Вилоят репродуктив маркази ва «Саломатлик институти»нинг Сурхондарё вилояти филиали томонидан жорий йилнинг ўтган даврида саломатлик ва тиббий маданиятни ошириш масалалари бўйича журналистлар учун семинарлар ташкил этилган, аҳолининг кенг қатламларида тушунтириш ишлари узлуксиз равишда амалга оширилмоқда. «Бахтли она бўлинг», «Азиз келин-куёвларга», «Ўсмирлик даври ҳақида», «Ўғил болалар балоғат даври», «Қиз болалар балоғат даври» мавзуларидаги тарқатилган рисодалар ҳам шулар жумласидандир.

Режа асосида ташкил этилаётган ўқув-семинарнинг наватбагагиси Фарғона водийси вилоятларида ўтказилмоқда.

Юлдуз ҲОЖИЕВА,
"Mahalla" мухбири.

ТИББИЙ КҶРИК

САЛОМАТЛИККА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий ривожланган авлодни шакллантириш борасида Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида ҳам қўлбаб хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг 2009 йил 13 апрелдаги «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида туманда алоҳида режа ишлаб чиқилди.

Тумanning 50 та маҳалласида яшовчи туғиш ёшидаги аёллар назоратга олиниб, бу ишларнинг нечоғли муҳимлиги уларга тушунтириб борилмоқда. Баъзи бир чекка қишлоқларда яшовчи аёллар ўз соғлигини уймамай, шифоخورга вақтида мурожаат қилмайди. Соғлом фарзанднинг туғилиши қанчаларининг қандай кечганлигига бевоқиф боғлиқ. Агар она камқон бўлса-ю, муаммога бепарво қараса, шубҳасиз, ундаги бу касаллик болага ўз таъсирини кўрсатади, ёмон оқибатларга олиб келади.

Қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг олдини олишга, никоҳланувчиларни тиббий кўрикдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз. Тумандаги туғиш марказида 47044 нафар фертил ёшидаги аёллардан 17830 нафари чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Тиббий кўрикдан ўтказилганларнинг 9531 нафарига турли хил экстра генитал касалликлар аниқланган бўлиб, шулардан 4714 нафарининг амбулатория ва кундузги шифохона шароитида соғлини тикланди. Шунингдек, 14 ёшгача бўлган болалардан 18335 нафари туғиш тиббий кўрикдан ўтказилди. Уларнинг 7584 нафарига турли хил касалликлар аниқланиб, 4662 нафарининг соғлиги тўла тикланди.

— Юртбошимизнинг «Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган соғлиқни сақлаш тизими бирламчи буғини муассасаларининг, айниқса, қишлоқ врачлик пунктларининг фаолиятини тубдан яхшилаш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги кенг қўламли тадбирлари кел-

ЯНГИЕРЛИК ТАДБИРКОРЛАР

аҳоли бандлиги ва шаҳар кўркемчилигини таъминлашмоқда

Чул ўрнида қад ростилаган Янгиер шаҳрида бутунги кунда, ҳудуддаги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш орқали аҳолини иш билан таъминлашга жиддий аҳамият берилмаётган. Хусусан, тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан шаҳар қиёфаси тубдан яхшиланиб, ўзгариб бормоқда. Қарийб 29,9 квадрат километр ҳудудни эгаллаган бу шинам, замонавий шаҳарда 8 та маҳалла, 8021 та хонадон мавжуд бўлиб, 31,8 миң аҳоли истиқомат қилади.

Таъкидлаш керакки, ҳудуддаги 368 та хўжалик юритувчи субъектнинг иқтисодий тармоқлари ривожидagi ҳиссаи салмоқини. Биринчи ярим йиллик янги қурилишнинг таҳлил натижаларига кўра, шаҳарда бажарилган ишлар салмоғининг 85,5 фоизи, халқ истеъмоли товарларининг 100 фоизи, товар айланмасининг 58 фоизи, пуллик хиз-

матнинг 35,7 фоизи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳиссага тўғри келади. Муҳими, истиқлол шарофати билан тадбиркорликда ким ўзининг нимага қодирлигини намойиш этипти. Маҳалла оқсоқоллари эса, тадбиркорликка уқуви бор фуқароларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишларида катта ёрдам бермоқда.

Янгиер шаҳрида 3 та чет эл сармоясини иштирокдаги кўшма корхона, 10 та мактаб, 3 та коллеж, академик лицей, ўнлаб савдо тармоқлари, футбол мактаби, табиёт муассасалари ҳамда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари фаолият юритмоқда.

Яқинда шахримиздаги «Шодлик» маҳалласида янги гузар ишга туширилди. Унда ишбилармон ва тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан замонавий болалар ўйингоҳлари, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари бунёд этилди. Муҳими, маҳалла оқсоқолининг иш-

билармонлиги, янгиликка интилувчанлиги туфайли гузар кундан кунга кўркем қиёфа касб этаётган. Масалан, фуқаролар йнғини раиса Ҳазратқул Маматкулов маҳаллада истиқомат қилувчи Роза Ваҳобованин ҳаракатчанлигини кўриб, уни тадбиркорлик билан шугулланишига ундади. Натижада ҳудудда «Шодлик-Роза» масуляти чекланган жамияти ташкил этилди. Орадан кўп вақт ўтмай МЧЖ қошида «Анвар нон» фирмасида нон ва қандолатчилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу тариқа, аҳолига хизмат кўрсатувчи яна бир корхона иш бошлади.

Одатда, шахримизга келган меҳмонларни «Холмат ота Зиёдуллаев» хусусий фирмасига қарашли ошхонага тақлиф этилади. Башорат Зиёдуллаева раҳбарлик қилаётган бу ошхона доимо хўрандалар билан гажум. Хизмат маданиятининг юқорилиги, таомларнинг сифатлиги, ошхона атрофининг гулзорга айланганлигини кўриб баҳридилнингиз очилади.

Исмоил Холмонов ҳам Янгиерни ривожланган шаҳарлар қаторида кўришни истайдиган тадбиркорлардан. У гипс, оқак ва алебастр ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, ҳамшаҳарларимизнинг

талаб ва эҳтиёлларини қондирмоқда. Яқинда И.Холмонов кичик корхонаси қошида ёғочни қайта ишлашни йўлга қўйди. Бутун корхонада ишлаб чиқарилган эшик ва дераза ромлари ҳамда ёғоч ўриндиқлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Черепашиали томлар чиройли ва ихчамлиги билан ажралиб туришига ҳавас қилган яна бир ҳамшаҳримиз Ваҳоб Келдиёров «Полимер Бинокор» масуляти чекланган жамиятини ташкил этиб, сифатли черепишалар ишлаб чиқармоқда. Эътиборлиси, унинг маҳсулотлари нафақат шаҳарда, балки республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам сотилмоқда.

Янгиерда аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг хизмати катта бўлмоқда. Масалан, шу йилнинг ўтган даврида тадбиркорлар саъй-ҳаракати билан 548 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, 83 миллион 300 миң сўмлик халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқарилиб, чакана савдо айланмаси 1 миллиард 169 миллион 700 миң сўмга етказилди.

Абдуллим ДОНИШЕВ,
«Маҳалла» жамғармасининг
Янгиер шаҳар бўлимагиси раис.

Дилбар МАҲМУДОВА,
"Mahalla" мухбири.

Кенг ва равон йўллар

ЮРТМИЗ фаровонлигидан, аҳоли турмуш даражасининг юксалаётганлигидан нишонадир

[1]

Бундай илиқ гапларни бугун шахримизга келган ҳар бир сайёҳдан эшитиш мумкин. Зеро, Тошкентимиз истиқлол йилларида таниб бўлмас даражада кўрамлашгани, гўзаллашгани, яшаргани ҳақиқат. Аслида бунёдкорлик, яратувчанлик халқимизга хос хусусиятлар.

Эсингизда бўлса, яқин-яқингача мамлакатимизнинг жанубий ва шимолий вилоятларидан келаётган катта транспорт оқимининг бир қисми Фарғона vodiysi вилоятларига пойтахтимизнинг Бунёдкор (аввалги Халқлар дўстлиги) кўчаси орқали ўтар эди. Бу эса шахар транспорти ҳаракатига сезиларли таъсир кўрсатарди. Бундан ташқари, кейинги йилларда Сирғали тумани ҳам кенгайиб, транспорт қатнови кўпайди. Машиналар йўлларга сигмай

қола бошлади. Бу ҳолатнинг олдини олиш мақсадида 2006 йилнинг август ойида, яъни Истиқлолимизнинг 15 йиллиги арафасида Сирғали, Қўйлиқ ва Оточпар бозорларига борадиган кўчалар кесиладиган йирик чорражада узунлиги 49 метрли йўл ўтказиб қурилди. Ушбу иншоотнинг ишга тушиши билан Эркин кўргони худудидан ўтадиган олти километрли янги йўл Тошкент катта ҳалқа йўлига боғланди.

Ушбу йўл ўтказгичнинг очилишида Юртбошимиз Ислол Каримов йўлсозлар ва қурувчилар меҳнатига юксак баҳо бериб, кўприкнинг ишга туширилиши тўғрисида йирик қўлайликдан нафақат шахарлик йўловчилар, балки қўшни давлатлардан келадиган меҳмонлар ҳам баҳраманд бўлишини алоҳида таъкидлаган эдилар. Ҳақиқатан ҳам бугун мамлакатимизнинг шимо-

лий ва жанубий вилоятларидан, Туркманистон, Тожикистон, Эрон, Туркия ва бошқа мамлакатлардан Фарғона vodiysига йўл олган барча транспорт воситалари шу қўлай ва равон йўлдан ҳаракатланапти.

Пойтахтимизнинг Чилонзор ва Бунёдкор кўчалари чорраҳасида илгари саккиз қатор транспорт ҳаракати кесишар, натижада тигизлик юзага келиб, ҳайдовчи ва йўловчиларнинг оптикча вақт йўқотишига, ёқилги сарфи ошиб, атраф-муҳитнинг ифлосланишига сабаб бўларди. Шу сабабли бу жойда ҳам Президентимиз ташаббуси билан катта кўприк барпо этилди. Уни «Узавтйўл» давлат акциядорлик компаниясига қарашли ташкилотлар ишчи-хизматчилари жуда қисқа муддатда бунёд этишди.

«Йўл лойиҳа бюроси» шўъба корхонаси ва «ТошкентбошланДИТИ» лойиҳалаш институти лойиҳаси асосида барпо этилган маъмурият ишоотининг эни 30, узунлиги 374, баландлиги 7,5 метрли ташкил этади. Шуни

таъкидлаш лозимки, қурилиш ишлари жуда қисқа муддатда амалга оширилди. Энг ҳайратланарлиси, қурилиш пайтида йўлларда бир кун ҳам ҳаракат тўхтагани йўқ.

Юнусобод пойтахтимизнинг аҳолиси кўп туманларидан бири. Мустақилликка эришгунимизга қадар шундай катта туманга борадиган йўллар саноқли эди. Натижада аҳоли кўп вақтини йўлда ўтказарди. Истиқлол йилларида Юнусобод йўналишида янги йўллар билан бирга бир неча янги кўприклар ҳам барпо этилди.

— Бизнинг даҳамиз Юнусободнинг биқинида жойлашган, — дейди себзорлик М.Юсупов. — Лекин Юнусободга бориш учун Ишчилар шахарчаси ёки Амир Темур кўчаси орқали айланиб ўтишимизда тўғри келарди. Мавзё охирида қурилган кўприк эса узоғимизни яқин қилди. Ҳозир кўприкдан ўтсак бўлди, у ёғи Юнусобод.

Таъкидлаш жоизки, бугун шахримизнинг барча серқатнов кўчаларида йўл ўтказгич ва кўприклар қурилди. Бунга Тошкент шахрининг дарвозаси ҳисобланган Бунёдкор кўчаси бошланишидаги йўл ўтказгични, Қўйлиқ бозори ёнидаги, шунингдек, кичик ҳалқа йўлида қурилган кўприкларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Сўнгги йилларда пойтахтимизда транспорт воситалари сони бир неча баравар ошди. Бу одамларимизнинг турмуш даражаси юксалаётгани, эл-юртимиз йилдан-йилга фаровонлашаётганидан нишонадир. Зеро, кенг қўламли ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу — аҳоли турмуш даражасини ошириш эди.

Халқимиз қадимдан йўл ва кўприк қурганларни ардоқлаб, эъозлаб келган. Чунки кўприклар манзилларни яқинлаштирган, одамлар ўртасида борди-келди йўлга қўйилишига омил бўлган. Бундан чиқадиган хулоса шуки, кўприклар нафақат йўлларни, балки дилларни ҳам бир-бирига боғлайдиган воситалар.

Б.БОБОЁРОВ



МАРКАЗ ИШИ

НУРОНИЙЛАР КЎМАГИДА

Хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган «Нуроний» жамоатчилик маркази айна пайтда жойлардаги ҳудудий бўлим ва бўлимчаларда муаммоларни ҳал қилишда ва бунинчаларда фаолият олиб бораётди. Уруш ва меҳнат фахрийларини ҳисобга олиш, ногирон, ўзгалар парвариши ва кўмагига муҳтож қарияларга мурувват ёрдамлари кўрсатишда, уларнинг талаб ва эҳтиёжларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қолаверса, ёш авлоднинг баркамол, ватанга салоқат руҳида тарбиялаш, аҳоли ўртасида маънавий-маърифий тадбирлар, давра суҳбатларини ташкил этиш ва ҳуқуқий саводхонликни кучайтириш, ибратли турмуш тарзи, ҳалол меҳнати билан обрў орттирган нуроний отахон ва онахонлар тисолида тарбияси қийин ўсмирларга, ёш оилаларга йўл-йўриқ кўрсатишдек эзгу мақсадларда ҳам марказ доимо камарбаста.

Узоқ йиллар захматли ва шарафли меҳнати ила элнинг меҳрини қозониб қўлаётган Қодир Эрнazarov бу йил 84 ёшини қаршилади. Ҳозирда фахрий отахон Мирзо Улуғбек туманидаги «Хоразм» маҳалласида истиқомат қилади. Ибратли умр йўли, ҳаётий тажрибаси билан ёшларга ўрнак бўлиб келаётган бу инсон ёши улуглигига қарамай, ҳали тетик, бардам. Бугун у маҳалла қошида ташкил этилган «Нуроний» жамоатчилик марказининг раиси сифатида фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги хайрли ишларни изчил йўлга қўйишда йиғин мутасаддиларига яқин кўмаклашди.

Шуни алоҳида қайд этиш жоизки, «Нуроний» жамоатчилик маркази, ташкилот ҳамда ҳимойлар томонидан байрам ва шодиёна кунларда маҳаллада истиқомат қиладиган меҳнат фахрийлари, уруш қатнашчилари, ногиронлар, ёлғиз қарияларга меҳр-мурувват ёрдамлари

кўрсатиб келинади. Шунингдек, ҳудуддаги 50-умумтаълим мактаб ўқувчилари билан биргаликда маҳалла фаоллари иштирокчида ёшлар тарбиясига оид очиқ мулоқотлар тез-тез ўтказиб турилади. Хусусан, яқинда 5-оилавий поликлиниканинг ёшлик мутахассислари билан суҳбат уюштирилиб, ёшларнинг турли ёт иллатлар таъсирини туртиб қолмаслиги, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари муҳокама қилинди.

Бундан ташқари, «Нуроний» жамоатчилик маркази ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинлари мутасаддилари билан ўзаро тажриба алмашиш, амалий-услубий ёрдам бериш мақсадида ўқув-семинар ташкил этилди. Шу йили «Маҳалла кўни» байрам тадбири муносабати билан эълон қилинган энг намунали «Нуроний жамоатчилик маркази» номинациясида Қ.Эрнazarov раҳбарлигидаги марказ голиблигини қўлга киритди.

Дарҳақиқат, эл юкени елкасига олганлар юрда эъозланиди. Қодир бога ўхшаган минглаб пиру бадавлат отахону онахонлар маҳаллаимизни файзга, хонадонларимизни нурга тўлдириб турибди. Инсонларнинг бири-бирга меҳр-оқибатли бўлиб яшашлари, ёшларнинг ҳаётда тўғри йўлни танлашида улар берган панду насихатлар халқимизнинг бебаҳо маънавий сарчашмасидир.

Бу тиниқ сарчашмадан баҳра олган юрт ёшлари дунё кенгликларига Ўзбекистон номини тараннум этмоқда.

Раҳим ШЕРКУЛОВ, «Mahalla» мухбири.

КАДРИЯТ

БУ ЕРДА ҲЕЧ КИМ ЁЛГИЗ ҚОЛМАЙДИ

ЧУНКИ бу маҳалланинг ҳар бир кўни эзгу хайр-саховат ишларисиз ўтмайди

Мустақиллик байрамни доимо шодиёналик билан кўтамиз. Кўча-кўй байрамона безатилади. Ҳамма жойга Юртимизнинг байроғи илинади. «Юртим 18 ёшнинг муборак бўлсин!», «Қарогимда асрагин сени, Ватан!», «Мустақиллигимиз абдий бўлсин!» сингари оташ сўзлар ҳар бир қалбда гурур уйғотиши табиий. Беш ёшли қизим: «Аяжон, мени мустақиллик байрамга олиб чиқинг, мустақилликни кўрай!», дейди. Юрагим тўлқинланади: «Жоним болам, бир умр мустақилликни кўриб яша. Шу элнинг, шу кўчаларнинг, шу юртнинг эгасинан, сен», дейман унга. Академик лицейда ўқийдиган ўлим лицейини тугатиб, ҳарбий хизматга бораман, юртимни, мустақилликни ҳимоя қиламан, дейди. Ватанимнинг шундай ҳимоячиси борлигидан фахрланаман. Яқинда маҳалламиз болалари ташаббус кўрсатишиб, маҳалладаги қарияларни, ёлғиз қаровсиз қолган, ногирон кишиларга ёрдам беришга бел боғлашибди. Ҳозир ҳар кўни уларнинг ҳолидан хабар олишдади, ишларига қўмаклашишдади. Маҳалладаги ўйингоҳни ҳам улар тартибга келтиришди, кўрсангиз ҳавасингиз келаси. Ҳозир ушбу майдонда футбол ўйнашдади, турли мусобақалар уюштиришдади. Уларнинг тўлланиб бекор ўтиришганини кўрмайсиз.

ҳаммининг кўнлига йўл топа олади. Маҳалла аҳлини бир оила дейсиз, ҳамма бир-бирнинг ҳолидан хабар олади, бирор маърака ёки маросим бўлса ҳеч ким қараб ўтирмайди, қўлидан келганча ёрдам беради. Биронинг бошига ташвиш тушса, биргаликда ҳал қилишдади. Тез-тез ўтказиб туриладиган ҳашарда каттаю кичик бирдек иштирок этади. Шундай кезларда кимнинг қами кўсти бўлса, биргаликда тўғрилаб олишади.

Ҳикоя қилаётганимиз Китоб туманидаги «Сурум» маҳалла фуқаролар йиғинида 6 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маҳалла ҳудудида 2 та умумтаълим мактаби, битта педагогика коллежи, академик лицей ва шифохона бор. Уларда барча шарт-шароитлар мавжуд. Бу ҳам маҳалла аҳлининг жиқлигию, оқсоқолнинг ишбилармонлиги, елиб югуриши тўғрисида.

Маҳаллада истиқомат қиладиган ёшлар онгига ватанпарварлик, инсонпарварлик ғояларини синглириш, уларни урф-одат ва анъаналаримизга садоқат руҳида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар олиб борилади. Фуқаролар йиғинида фаоллар иштирокчида жамоат комиссиялари ташкил этилган. Жумладан, яраштириш, маънавият тарғиботи, ёшлар ва вояга етмаганлар билан ишлаш, спорт ишларини ташкил қилиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш сингари комиссиялар мунтазам фаолият кўрсатиб келаётди. Маҳаллада беморлар ҳолидан хабар олиш, ёлғиз қарияларни йўқлаб туриш одатга айланган. Бу ерда ҳеч ким ўзини ёлғиз ҳис этмайди, чунки бу маҳалланинг ҳар бир кўни эзгу хайр-саховат ишларисиз ўтмайди.

Дилфуза ҚОДИРОВА, «Маҳалла» жағғармасининг Китоб тумани бўлинмаси бош мутахассиси.

ОДАМ САВДОСИ — ИЖТИМОЙ ИЛЛАТ

КЕЙИНГИ йилларда оммавий ахборот воситалари орқали инсон шаънини камситувчи, эркинлигига даҳл қилувчи жирканч жиноят — одам савдоси ҳақида бот-бот хабарлар бериб турилибди. Мазкур жиноят оқибатида жаҳонда кўплаб инсонлар азият чекаётгани эътироф этилаётгани бежизга эмас, албатта. Чунки одам савдоси инсон эркинлиги, тенглиги ва шахс дахлсизлигига пўтур етказиш билан бирга, уни турли хўрлик ва камситишларга дучор этади.

Афсуски, бу иллат юртимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Одам савдоси билан шуғулланувчи кимсалар соддадил, ишонувчан кишиларни, аксарият ҳолларда, мустақил ҳаёт бўсағасида турган ёшларни алдаб, уларни хориждан сотиб юбормоқда. Оқибатда одамфурӯшлар тузогига тушган фуқаролар ўзга юртларда нафақат руҳий қийинчиликларни бошдан кечиряпти, балки ўз соғлиқларини ҳам йўқотишмоқда.

Шу сабабли мамлакатимизда одам савдосига қарши курашиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунки, ҳуқуқимиз томонидан 2003 йил 12 декабрда БМТнинг «Одам савдоси ва учинчи шахслар томонидан фоҳишабошликдан фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида»ги ва «Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида»ги Конвенциялари ратификация қилинди. Бундан ташқари, 2008 йил 17 апрелда «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди ва Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида миллий тадбирлар режаси тасдиқланган. Натижада бугунги кунда давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар, корхона, муассаса ва фуқаролар одам савдосига қарши курашиш бўйича

фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига яқиндан қўмаклашиб келмоқда.

Қарорга асосан, Қорақалпоғистон Республикаси Вазиrлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар ҳокимликлари томонидан одам савдосига қарши курашиш бўйича идораларо комиссиялар фаолияти йўлга қўйилган эди. Бугунги кунда комиссия одам савдосига қарши курашиш борасида ҳудудий давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириб, бу жиноятга имкон берувчи сабаб ва шароитларни аниқлашга доир ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадбирларни ташкил этиб келмоқда.

Таъкидлаш керакки, «Маҳалла» хайрия жағғармаси республика бошқаруви ҳамда унинг ҳудудий бўлим ва бўлимчалари одам савдосига қарши курашиш борасида самарали фаолият олиб бораётди. Хусусан, фуқаролар йиғини ҳузурида одам савдосига қарши курашиш бўйича махсус жамоат кенгашлари мавжуд бўлиб, унга маҳалла оқсоқоли, котиб, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи, профилактика инспектори, посбонлар ҳамда аҳоли орасида обрў-эътиборга эга бўлган шахслар жабр этилган. Чунки одам савдоси — ижтимоий иллат. Бу жиноятга барча бирдек қарши курашгандагина уни бартараф этиш мумкин.



— Одам савдоси маълум бир тоифадаги инсонларнинг эмас, балки глобал жамиятимиздаги муаммолардан бирига айланди, — дейди «Маҳалла» жағғармасининг Бухоро вилояти бўлими раиси Бехбуд Жумаев. — Шу бонус, тушунтириш, тарғибот-ташвиқот ишларини, энг аввало, маҳалла ҳудудида олиб бориш одам савдосига қарши курашишда яхши самара беради. Бўлимимиз одам савдосига қарши курашиш бўйича идораларо комиссияси ва вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралари билан яқиндан алоқа ўрнатиб, ҳамкорликда хорижда кетган фуқароларни назоратга олиш юзасидан суриштирув ишларини олиб борапти. Бу борда фуқаролар йиғини ҳузурида одам савдосига қарши курашиш жамоатчилик кенгаши зиммасига катта вазифалар юклатилган. Одам савдосига қарши курашиш бўйича бўлимимиз томонидан махсус дастур ишлаб чиқилган. Айни пайтда ушбу дастурга асосан, турли идоралар билан ҳамкорликда иш олиб борилаётди. Жорий йилда вилоятдаги 546 та ўзини ўзи бошқариш органларида «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуннинг мазмун ҳофияти тушунтирилди. Муҳими, тарғибот-ташвиқот ишлари билан чекланиб қолётганимиз йўқ. Масалан, жағғарма томонидан жабрланган фуқароларга 2,7 миллион сўмлик

моддий ёрдам кўрсатилди. 424 та маҳалла фуқаролар йиғини аҳолисига ушбу жиноятнинг салбий оқибатларни акс эттирилган қўргазмали қуроилар тарқатилди. Шунингдек, вилоятдаги ҳар бир ўзини ўзи бошқариш органида одам савдоси билан боғлиқ маълумотлар базасини яратиш мақсадида хорижда кетганлар ва маҳаллада узоқ муддатдан бўён истиқомат қилмаётган фуқароларни рўйхатга олиш китоби ташкил этилган. Эътиборлиси, аҳолига касб-ҳунар ўргатиб, маҳалланинг ўзида иш билан таъминлаш мақсадида вилоятдаги 19 та маҳалла гузарларида марказлар ташкил этилди. Бу марказларда маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дунар ўргатиш курслари, савдо дўконлари фаолият юритиб келмоқда. Шу йўл билан ҳозирда маҳалла марказида қўшимча 35-40 та иш ўрнини яратилмоқда.

Хуллас, инсон шаъни, кадр-қиммати, осейишта турмуши ҳамда келажакига таҳдид соладиган иллатларнинг олдини олишда, адашганларни тўғри йўлга бошлашда маҳалла фуқаролар йиғинининг ўрни беқиёс. Зеро, одам савдоси жиноятига қўл ураётганлар ҳам, алдовга учраганлар ҳам юртимизнинг у ёки бу маҳаллада истиқомат қилади.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ, «Mahalla» мухбири.

ОҚСОҚОЛНИНГ БИР КУНИ

ЭЛ БИЛАН ҲАМНАФАС

МАҲАЛЛАГА оқсоқол бўлишнинг ўзига яраша масъулияти бор. Зотан, фуқароларнинг қувончу шодликлари билан ҳамнафас яшай биладиган инсонгина бундай шарафли вазифага муносиб саналади.

Маҳалла идорасига йўл оларканмиз беихтиёр ҳаёлимиздан ана шундай фикрлар ўтди.

— Алло, ассалому алайкум. Мен Сардоба туманидаги Файзулла Ҳўжаев номидаги маҳалла оқсоқоли Ҳусан Маматқулловман. Туман газлаштириш идорасига тушдимми?

Йигин идорасига кириб борганимизда оқсоқол телефонда газ қувурларини янгилаш масаласида суҳбатлашаётган, маҳалладаги айрим хонадонларда табиий газ бошимнинг пастиги боис, аҳоли, айниқса, қишнинг қаҳратон кунларида қийнаётганини ётиги билан тушунтираётган экан. Гапини яқунлаб, оқсоқол совуқ тушунга қадар муаммони бартараф эттишда ёрдам кўрсатишини илтимос қилди.

Биз бироз сабр қилиб, кутиб турдик. Ниҳоят оқсоқол гапини тугатиб телефон гўшагини қўйғач, ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Маҳалламизга табиий газ келтирилганига кўп йиллар бўлди, — дея гап бошлади у. — Бутунга келиб, ер остидаги эски қувурлар чириб бошлаган. Туман газлаштириш идорасидагиларнинг айтишича, агар газ босими кўтарилса, бу қувурлар дарз кетиши мумкин экан. Қувурларни алмаштириш, ер устидан янги қувур тортиб келиш зарур, дейишяпти.

Оқсоқол билан гурунглашиб, бирга бирга туман газлаштириш идорасига йўл олдик. Идорада бизни ушбу ташкилот раҳбари қарши олди. Х.Маматқуллов ташкилот раҳбарига яқинда худуддаги «Дуслик» кўчасида истиқомат қиладиган хонадонлардаги газ қувурларини алмаштирилганини ва шу орқали бошқа хонадонларга ҳам газ қувурини тортишни мўължаллашаётганини маълум қилди.

— Маҳалламиздаги кўпни кўрган ота-хонлар, фаоллар, тадбиркорлар, фермерлар билан маслаҳатлашдик. Улар газ қувурларини ва газ тақсимлагич ускунасини сотиб олишни ўз зиммаларига олишди. Бу ишга биз аҳолини ҳам жалб қиламиз. Раҳбар сифатида биз муаммони белгиланган тартибда амалга оширишга ёрдам берсангиз, — дея фикрини давом

этирдир оқсоқол.

Бу фикр газлаштириш идораси мутасаддиларига маъқул келди. Дарҳол мазкур ташкилотнинг вилоятдаги раҳбари билан боғланиб, оқсоқолнинг фикрларини уларга маълум қилди. Улар ҳам хайрли ишни амалга оширишда астойдил кўмак беришини айтди. Қувурларни янгилаш вазифаси туман газлаштириш идораси вакили Тоҳир Журев зиммасига юклатилди.

Ҳусан Маматқуллов билан туман газлаштириш идорасидан чиқиб, маҳаллага қайтарканмиз унинг хотиржам бўлганини сездим. Оқсоқол эрта тонгдан амалга оширишни ният қилган ишини охирига етказганидан хурсанд эди.

Идорага етиб келганимизда маҳалла аҳли кўлларига кетмон, белкуррак, сургиги билан кўчаларни сугуриб, ариқ ва лотокларни тозалаётганини кўриб, бу ердаги аҳиллик ва бирдамликка ҳавасимиз келди. Оқсоқол ободончилик йомшларига бош-қош бўлаётган маҳалла фаолларидан Арслон Муҳаммадиев, Абдураззоқ Раймқуллов, Тўрабек Айдаров, Карим Ботиров, Гулнора Жўраева билан хонадонларни газлаштириш лойиҳасини муҳокама қилдик.

— Ҳар ҳафтанинг жума кунини тозаланиб, озодалик кунини деб эълон қилганмиз, — дейди оқсоқол. — Маҳалламизда ўн еттига икки қаватли уй ва 132 та хонадон бор. Юринг, ҳозир икки қаватли уйларнинг томларини янгилаётган усталарнинг ишидан ҳам бир хабар олайлик.

Ўзимиз гувоҳ бўлганимиздек, маҳалла худудидаги 17 та икки қаватли уйнинг 10 тасининг томи янгилаштирилди, 4 тасининг шифери алмаштирилди. Бу иш вилоятдаги «Қишлоқ қурилиш инвест» компаниясининг усталари томонидан амалга оширилаётган экан. Оқсоқол билан уларнинг ишларини кўриб-кузатиб орта қайтганимизда кеч кириб қолган эди.

Оқсоқол Ҳ.Маматқулловнинг ҳар бир кунини ана шундай савобли, хайрли ишларни амалга ошириш билан бошлайди. Бошлаган ишларини ниҳоятсига етказмагунча тиниб тинчмайди. Унинг бир кунлик фаолияти билан танишиб, маҳалла аҳлига ҳар томонлама ёрдам бериш, уларнинг турмуш фаровонлигини яхшилаш, худудни обод масканга айлантириш меннинг биринчи талағи ва зифам, бурчим дея, ўз вазифасини сийқидилдан адо этаётганига яна бир бор амин бўлдик.

Тошпўлат ҲАЙИТБОВЕВ, «Mahalla» мухбири.

ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИНИ САҚЛАШ, фуқароларимизнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини юксалтириш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишда милиция таянч пунктида фаолият кўрсатаётган профилактика инспекторларининг хиссаси бекиёс. Айниқса, уларнинг «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси билан ҳамкорликда аҳоли орасида олиб бораётган профилактик тарғибот-ташвиқот ишлари маҳаллалар тинчлигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.




фото-Носир Ҳайдаров

ОСОЙИШТАЛИК ОДАМЛАРНИНГ ИНОҚЛИГИ, ҲАМЖИҲАТЛИГИГА БОҒЛИҚ

Айтиш керакки, бутунги кунда профилактика инспекторлари фаолиятининг ўзига хос тизими яратилган. Ҳукуматимиз томонидан инспекторларнинг қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамоат ва давлатнинг манфаатлари муҳофазасини кучайтириш борасидаги фаолияти моддий-техникавий ва услубий жиҳатдан қўллаб-қувватланмоқда. Шу бос, қайси милиция таянч пунктига ташриф буюрманг, шинам ва барча қулайликларга эга бинода жойлашганига, кўргазмалы плакатлар, ташвиқот ва тарғибот лавҳалари, мебель, компьютер, замонавий алоқа воситалари билан жиҳозланганига гувоҳ бўласиз. Муҳими, таянч пунктида билимли, дунёқараши кенг, юрт тинчлигини қадрлайдиган, аҳоли фаровонлигини ўз манфаатидан устун қўядиган профилактика инспекторлари фаолият қориштирилмоқда.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Тинчлик» маҳалла фуқаролар йигини худудида ҳам профилактика инспекторларининг саъй-ҳаракати билан жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳолининг, айниқса, ёшларнинг турли жиний гуруҳларга қўшилиб қолмаслигини таъминлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Маҳалла худудидаги 361-сонли милиция таянч пункти профилактика катта инспектори, капитан Хуршид Барноев, «Маҳалла посбони» жамоат тузилмаси сардори Мухтор Зоиров ва фуқаролар йигини раҳбарлари олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида жиноят содир этиш ҳолатлари кескин камайиб, кўпгина муаммо ва камчиликлар ўз ечим топишти.

— Маҳалламиздаги 720 та оилада 3 минг нафардан ортиқ фуқаро истиқомат қиладилар, — дейди «Тинчлик» маҳалла фуқаро-

лар йигини раиси Озода Агзамова. — Уларнинг тинч ва фаровон турмуш кечиришини таъминлаш мақсадида худудимиздаги милиция таянч пункти профилактика инспектори ва ўнга яқин маҳалла посбонлари кечаю кунду тарғибот ишларини олиб боришмоқда. Хусусан, «Диний оқимлар ва уларнинг ёш авлода таъсири», «Ёшлар орасида наркотик ва гиёҳванликка қарши кураш», «Одам савдосига қарши кураш», «Оилада соғлом турмуш тарзини ташкил этиш», «Ёшлар маънавиятини юксалтиришда ота-она ва маҳалланинг ўрни» ҳамда «Ёш оила — келажакимиз пойдевори» мавзuidaги давра суҳбати, учрашув ва тадбирларда аҳоли фаол иштирок этмоқда. Бундай тадбирларга кўпни кўрган нурунийлар, мутахассислар ва ҳуқуқ-тарғибот идоралари вакиллари ҳам тақлиф этилади.

